
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
Союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 10

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

А. Орипов. Ҳаким ва ажал. Достон 3

ЯНГИ ҲИКОЯЛАР

Ф. Мусажонов. Кулгини севадиган одам. Ҳажвия . 17
Ҳ. Убаев. Дадажон, сизга ишонаман 20
З. Туманова. Хирмон фасли. Минг иккинчи кеча. . . 23
Ч. Бойбўсинов. Мактуб. Эзгулик. 33
С. Сиёев. Оғир вазнли жанжалкаш. 37

ШЕЪРЛАР

А. Йўлдошев. Юрагимда севги лиммо-лим. . . . 49
К. Тошманбетова. Йўл бошидаги ўйлар. 50
Н. Баракаев. Яйловда. 53
А. Убайдулла. Бир дарахтнинг икки шохи. 54
Холис. Ватанимда. 55
Д. Матчон. Тўлқин бўлиб жўшгим бор. 57

О. Мухторов. Учқур поездлар. Қисса. 58

М. Али. Боқий дунё. Шеърий роман. 92

Н. Сафаров. Момакалдироқ. Роман. Давоми. . . 106

Ҳ. Саъдулла. Қурбонлар. Достон. 154

Назармат. Генерал Норхўжаевнинг хотиралари. . . . 169

КПСС XXVI ВА ЎзКП XX СЪЕЗДЛАРИ ОЛДИДАН

А. Қуронбоев. Сув достони. Очерк. 171

Ж. ЖАББОРОВ 50 ЁШДА

М. Сафаров. Гўзаллик куйчиси. 190
А. Орипов. Олижаноб туйғулар шоири. 195

СЪЕЗД ОЛДИ ГУРУНГИ

Ҳ. Ғулом. Ижод — олий мақсадга интилиш. . . . 196
У. Норматов. Ютуқлар, орзулар, таклифлар. . . . 198
Г. Нуруллаева. Шеърият ҳақида ўйлаяпман. . . . 200
П. Шермуҳамедов. Етмишинчи йилларни кузата туриб. . 202
С. Мирзаев. Насримизнинг баланд парвози. . . . 203
Т. Сулаймон. Халқимизнинг кайнар булоқлари. . . 205
Н. Худойберганов. Ўсиш, ўзгариш уфқлари. . . . 208

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

О. Абдуллаев. Ижод оламининг сеҳри. 211

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Тоғаев. Ижодда давр садоси. 218
Р. Иноғомов. Русгавелидан илҳом олиб. 222
Ф. Сулаймонова. Ўрта Осиё қадимий юнон адабиётида . 226

ТАҚРИЗЛАР

Э. Бобоев. Муҳаммад Иқбол Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири 232
М. Назаров. Табаррук меросни ардоқлаб. 234
М. Мадраҳимова. Бахшининг ижод йўли. 237
М. Мирражабов. Тиниқ туйғулар. 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлаётганлиги янада кенгроқ йўсинда бадиий полотноларда бор кўриниши билан акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир истак: бадиий асарнинг тили ҳақида. Сўнгги йилларда турли жанрларда яратилган айрим асарларда тилимиз бутун сеҳру жозибаси билан жило топмаяпти. «Йиллар шамоли» (Омон Мухторов), «Армонли дунё» (Раҳим Бекниёз), «Рухсора» (Бобомурод Даминов) каби роман ва қиссаларда халқ мақоллари, жонли тилдаги мазмундор, пурҳикмат иборалар, оригинал ўхшатиш ва янги сифатлашлар кам учрайди. Ҳолбуки, донолар, «бадиий адабиёт — бу тил санъатидир», деб таълим берадилар. Уларнинг уқтиришича, «ҳатто бадиий шаклнинг бош бўлакларида бўлган композиция ҳам ёзувчи тилининг ҳал қилувчи аҳамияти олдида кейинда туради» (К. Федин). Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, бадиий асар тилининг бойлиги учун кураш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, бадиий асар нима ҳақида ёзилганига қарабгина эмас, шу билан бирга, қандай ёзилганига, қанчалик юракдан ёзилганига қараб ҳам баҳоланади.

Шундай экан, бадиий асар тили масаласига ёзувчиларимиз янада кўпроқ эътибор берсалар кўнгилдагидек иш бўларди.

Хуллас, айрим нуқсонлардан қатъий назар, ўзбек совет насри социалистик реализм йўлидан дадил олға бормоқда. Хусусан, романчилигимиз сўнгги йилларда ўсиб, ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Кўп ёзувчиларимизнинг замонавий мавзуни ёритиш маҳорати, характер яратиш, сюжет ва композиция тўқиш санъати ошди.

Демак, насримизнинг уфқлари янада кенгаймоқда. Айниқса романчилик парвози тобора баландлашмоқда. Адабиётимиз съезддан-съездгача бўлган даврда эришган энг катта ютуқларидан бири ҳам худди ана шудир.

Пирмат Шермуҳамедов

ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАРНИ КУЗАТА ТУРИБ...

Қадрли одамингни кузатишдан қийин савдо бор эканми оламда. Кимга қандай эканлигини билмайман-у, етмишинчи йиллар мен учун қадрдон дўст сингари яқин бўлиб қолди. Қадрдон бўлиб қолган етмишинчи йиллар кўз очиб юмгунча зув этиб ўтиб кетди. Шундай дейишга деймиз-у, лекин ўтган ўн йилнинг ҳар бир дақиқаси ҳаётимизнинг саҳифаларида ўзининг унутилмас меҳрини қолдирди. Не-не шеърий тўпламлар чоп қилинмади, не-не романлар ёзилмади, не-не драмалар саҳна юзини кўрмади. Санайдиган бўлсак, адоғига етиш қийин. Хўш, гап нимада? Гап сифатда, баркамолликдами?! Бутун дунё олдида кўз-кўз қиладиган асарларимизни санаб беринг-чи?!

Жавоб бериш учун ўйланиб, довдираб қоласиз.

Биз нимамиз бор-у, нимамиз йўқлигини санаб ўтириш билан шуғулланмоқчи эмасмиз. Лекин фазилатларимизни яна бир бор билиб олиб, нуқсонларимизни яширмай рўй-рост кўрсатиб, келажакка назар ташлашимиз керак. Бусиз олға юриб бўлмайди.

Сўнгги йилларда асарнинг асоси, адибнинг ғоясини ташувчи сюжетнинг ҳаётийлигини бирмунча унутиб қўйдик. Сюжет адабиётшунос Е. Добиннинг образли ифодаси билан айтганда, «воқеликни ҳар томонлама ва чуқур ифода қилишнинг, тўлақонли, ҳаётий қаҳрамонлар яратишнинг асосий воситаларидан бири». Ҳаммамизнинг эсимизда, СССР Ёзувчилар союзининг ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган V пленумида Ю. Суровцев етмишинчи йиллари яратилган қиссаларимиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва романларимизда сюжет қуриш маҳоратининг анча сусайиб қолгани, ҳаётнинг юзида кўпириб турган тўлқинлар тилга олиниб, унинг ички қонуниятлари назар-эътибордан четда қолаётганини ачиниб гапирган эди.

Биз сюжетни кўпинча шунчаки воқеалар тизмаси деб тушуниб, унинг ижтимоий ва эстетик қимматини ё ҳис қилмаймиз, ё эътиборсизлик билан қараймиз. Қани, айтингчи, етмишинчи йиллари яратилган ҳикоялар ичида сюжет қурилиши билан ажралиб турадиган баркамол асар борми?

Ю. Нагибин «Литературная Россия» газетасида эълон қилинган «Жанрнинг имкониятлари» номли мақоласида «қизиқарли ва ҳаётий сюжетли ҳикоя ёзишдан кўра ўрта миёна роман ёзиш минг чандон ўнғай» деб ёзганида мутлақо ҳақдир.

Етмишинчи йиллар нашр қилинган айрим романларга хос жиддий нуқсонлардан бири — сюжетнинг омонатлиги, заифлигидир, деган фикрни айтсак, янгилишмаган бўламиз. Одатда мунаққидлар романга хос тафаккурни таъминлайдиган омиллардан бири сифатида романбоп воқеаларни тилга олишади. Одил Ёқубов романларга хос тафаккур мавзуида фикр юритиб ёзади: «...битта воқеани икки ёзувчи икки хил кўриши мумкин. Бир ёзувчи бу воқеани кундалик ҳаётда учрайдиган оддийгина бир ҳодиса сифатида қабул қилиши ва шу асосда гоҳо ўқишлигина бир ҳикоя ёки қисса ёзиши мумкин. Иккинчи ёзувчи — агар у юқорида қайд қилинган тафаккурга эга бўлса, албатта, бу воқеа негизида ётган чуқур ижтимоий омилларни, фожиавий тақдирларни, улкан конфликтлар ва «ғоялар драмаси»ни кўрадики, натижада қарабсизки, шу воқеа асосида улкан ва жиддий роман яратади».

Улкан ва кескин конфликтлар, ғоялар драмаси асосига қурилган романлар ҳақида сўз кетар экан, қардош халқлар адабиётларининг вакиллари В. Белов, Д. Гранин, В. Распутин, Н. Думбадзе, Н. Трифоновларнинг баркамол асарларини беихтиёр эслайди, киши.

Сўнгги йилларда эълон қилинган асарлар хусусида сўз юритилар экан, мен фақат Комил Яшиннинг «Ҳамза», Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романларини тилга олиб ўтмоқчиман.

Мен «Ҳамза» романини «роман — тадқиқот» деб атагим келади. Ҳали бу асарга охирги нуқта қўйилганича йўқ.

Оқсоқол адибимизнинг тарихий роман жанрида қўлга киритган тажрибасини алоҳида таъкидлаб тилга олаётганимизнинг яна бир сабаби бор. Гап шундаки, тарихий шахслар ҳаёти ва ижодини ҳикоя қилувчи айрим романларда битта жиддий нуқсон учраб қолаётир. Воқеалар негизида ётган чуқур ижтимоий омиллар, фожиали тақдирлар, ўткир конфликтлар очилиши ўрнига тарихий шахсларнинг айрим инсоний фазилатлари ва қусурларини енгил-елпи ҳикоя қилиш касаллиги тез-тез кўзга чалиниб қолмоқда. Шу хилдаги нуқсонларни Я. Илёсовнинг «Морбоз» китобида ҳам учратиш мумкин. Мен бу асарнинг ютуқларини асло инкор қилмоқчи эмасман. Лекин, бари бир, тарихий шахслар яшаган ижтимоий муҳит ҳам бутун мураккаблиги билан чизиб берилиши керак, деган аксиомани яна бир карра айтиб ўтмоқчиман.

Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романида қаламга олинган ҳаёт материали бошқа бир қатор адибларимизнинг қисса ва романларида ҳам тилга олинган. Лекин Ўктам Усмонов уларнинг биронтасини ҳам такрорламайди, аксинча роман сюжетини ҳаракатга келтирувчи Азиз, Салтанат, Муҳиддин Жабборович, Расул Оллоёровичлар тақдири орқали муҳим ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқади. Адиб ўз қаҳрамонларини бир хил қора ёки оқ бўёқлар билан ҳикоя қилишдан қочади.

Биз «Гирдоб» романининг адиб ижодида жиддий ижодий ютуқ эканини таъкидлаган ҳолда, асарнинг сўнгги саҳифаларида кескин бошланган конфликт, кишилар орасидаги жиддий, тўқнашувлар атайин юмшатилганини ҳам айтиб ўтгимиз келади.

Ҳаётимиз шиддат билан илгарилаб бормоқда. Одамларнинг ахлоқий-маънавий оламида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Илмий-техника революциясининг залворли одимлари туфайли содир бўлган қийинчиликлар осонликча кўчаётгани йўқ. Гап замондошларимизнинг бир қарашда жўн, содда бўлиб кўринган, аслида мураккаб руҳий оламини — уларнинг қувончлари, изтиробларини, эзгу мақсад йўлида олиб борган курашларини бўяб-бежамай, бор бўй-басти билан тасвирлаш ҳақида бораётир.

Масалага шу жиҳатдан ёндошганимизда Рустам Раҳмоновнинг «Қутлуғ қадам» романининг қатор ўзига хос фазилатларини кўрамиз. Фарғонанинг сўлим боғлари, шарқираб оқаётган сойлар, Мирзачўл далаларида уфққа қадар чўзилган пахта далалари — буларнинг барчаси алоҳида бир меҳр-муҳаббат билан чизилган. Адиб ўз олдига жудаям олижаноб бир мақсадни қўйган — эндигина ҳаётнинг катта йўлига қадам қўйган Озода исмли қизнинг турмуш қозонида тобланиши. Озода покиза севгиси рад қилингач, боғ-роғлар ичига кўмилган қишлоғи Ширинбулоқни ташлаб, ишлаш учун чўлга тоғасининг олдига келади. Озода ишга келган «Гулшан» совхозининг директори Берди Умаров ўта айёр, пулга, маишатга муккасидан кетган бир одам. У биринчи кунданоқ Озодани ўзи қўйган тузоққа илинтириш йўлларини ўйлайди. Демакки, китобхон ҳам совхоз директори билан Озода орасида кескин кураш

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлишини кутади. Лекин ана шу кескин курашни кўрсатиш ўрнига адиб Берди Умаровни сўкиш билан шуғулланиб кетади. «Берди Умаров хотинини кўрса бўлар-бўлмасга жилпанглайверади», «ҳар ҳафта Тошкентга жазманлари олдига бориб туради», «ҳар гал Озоданинг қўлини олади-ю, қўймайди, билагини силаб-сийпаб тураверади», «ҳар куни маишат қилмасдан туролмайди», Директорнинг секретари Лена билан ўтказган онлари ҳам батафсил баён қилинган. «Олдинлари,— деб ёзади адиб,— директор қучоғида типирчилаган асов қиз, кейин-кейин Умаров қучоқ очганини ҳамон ўзини отиб, юз-кўзлари-ю, нозик лабларига дўрдоқ лабларини босиб, тилидан сўрганида раъй қилиб турадиган бўлди».

Бир сўз билан айтганда, Берди Умаров уччига чиққан лўттибоз. Озода эртаю кеч далада меҳнат қилади. «Кейинги кунларда Озоданинг ишлари юришиб боряпти. Райком секретари келди, ишларини кўриб, ғайратини мақтади».

Адиб ҳаётнинг ички зиддиятларини кўрсатиш ўрнига, ўзининг чуқур ҳис қилинмаган тайёр тасаввурларига таяниб, иш юритади. Совхоз директори билан Озода орасидаги рўй берган конфликт хамирдан қил суғургандай оппа-осон ҳал қилинади. Бир гал Тошкентга борганларида совхоз директори қизни йўлдан урмоқчи бўлади, лекин Озода Берди Умаровнинг шум ниятини сезиб қолади. Шу тариқа пахтакор чўлқуварларнинг ўз йўлларида дуч келган қийинчиликлари енгил ҳал қилинган.

Рустам Раҳмонов «Қутлуғ қадам» романида романбоп воқеаларни топган. Лекин ўша воқеалар замирига яширинган ички курашларни кўрсатиб бера олмаган. Рустам Раҳмонов романи ҳақида айтилган гапларни Суннатулла Анорбоевнинг «Сайли» романи тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Романда улуғ Ватан уруши йиллари ғалабани тезлатиш учун жонини жабборга бериб меҳнат қилган атлас тўқувчи аёлларнинг фидойилиги қизиқарли ҳикоя қилинади. Турмушнинг барча қийинчиликларини ўз елкасига ортган Сайлининг ҳаёт йўли ўзига хос росмана ҳикоя. Сайлининг севгилиси Жалолхонни фронтга узатиш пайтида тортган изтироблари, урушга бормай қинғир ишлар билан шуғулланиб юрувчи Муҳаммадшернинг ҳаёти, Соттихоннинг севги тарихи ҳам бирмунча ишонарли чиққан. Лекин очиғини айтиш керак, бутун романни бошидан-охиригача тутиб турадиган салмоқли фикр, ғоя йўқ. Шунинг учун бўлса керак, роман чучмал, қаҳрамонлар характерини, бинобарин роман ғоясини очишга хизмат қилмайдиган ортиқча эпизодлар ва ҳатто боблар ҳам бор. Марғилон ипак комбинати тасвирига бағишланган саҳналар, Жалолхоннинг фронтда кечган ҳаёти, Сайлихоннни ўғлини излашга бағишланган картиналар ҳам романнинг ғоявий-бадиий тўқимасига сингиб кетмайди. Кўп ҳолларда адиб воқеаларни ичдан кўрсатиш ўрнига қуруқ маълумотлар бериш, санаб ўтиш билан чекланиб қолади. Масалан, Суннатилла Анорбоев комбинатнинг янги дастгоҳлар билан жиҳозланишини ҳикоя қила туриб ёзади:

«ПМ, МР дастгоҳларининг яратилишида тўсиқлар бўлмади эмас, бўлди. Ҳеч қандай моддий ёрдамсиз, ишдан кейин дам олиш, ўйиндан воз кечиб, айрим ускуналарни уйдагиларга билдирмай, ўз пешона тери билан топган пулларни сарфлаб олишга тўғри келди. Ҳа, қийинчиликлар бўлган. Камарни қисиброқ боғлашга, озиш-тўзишга тўғри келган».

Кўриб турибсизки, воқеалар шунчаки, қуруққина қайд қилиб қўя қолинади, холос.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йили яратилган проза асарларининг энг яхши намуналарида ҳам сўнгги йилларда ёзувчиларимиз қўлга киритган ютуқларнинг давомини кўрамиз. Бизнингча, бу ютуқлар адабиётимизнинг ҳаёт ҳақиқатларини мумкин қадар тўлароқ айтишга интилиш билан боғлиқ. Партия ёзувчиларимизни турмуш зиддиятларини четлаб ўтмасликка, ҳаётда рўй бераётган айрим салбий ҳодисаларга қарши қаттиқ курашга чорлайди. Адабиёт конфликтсизлик назарияси даврида пайдо бўлган схематизм, шаблон, юзакичилик каби иллатлардан дадил қутулмоқда. Бу фазилатларни биз юқорида айтиб ўтган энг яхши асарларда яққол кўриб турибмиз. Айни замонда конфликтсизлик назарияси даврига хос бўлган иллатлардан ҳануз қутулолмай келаётганимизни ҳам кўрдик. Бу иллатлардан қутулиш, ҳаётнинг кенг ва чуқур таҳлилига ўтиш, бизнинг фикримизча, бугунги прозамизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

www.ziyouz.com kutubxonasi